

**АМАЛИЙЛАШГАН ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЎТИШ, ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИК ЯРАТИШ  
МУАММОСИНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ШАРТИ СИФАТИДА**

**Каримов Бахромали Тожиматович**

ТошДТУ “ЕУТТ” кафедраси в.в.б.доценти п.ф.ф.д.,(PhD).

**Аннотация:** Ушбу мақолада “Бутун умр давомида таълим” формуласига амал қилувчи юқори малакали мутахасссларни тайёрлашда компетенцияга йўналтирилган ўқув адабиётларини яратиш долзарб ва принципиал аҳамиятга эга эканлиги таъкидланган. Шунингдек “Машина деталлари” фанидан назарийлашган таълим тизимидан амалийлашган таълим тизимига ўтиш муаммосини ҳал қилиш шартли сифатида дидактик, услубий ва психологик жиҳатлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** таълим, ўқув адабиёти, мазмун, мутахасссис, компетенция, дидактик жиҳат, услубий жиҳат ва психологик жиҳат.

**Кириш**

Ишлаб чиқаришда мутахасссидан талаб этилаётган касбий компетенция, мустақиллик, креатив фикрлаши, замонавий меҳнат бозори талабларига мос келиши, техник фикрлаши ва лойиҳалаш, конструкциялаш ва уларнинг бажарилишида жавобгарликни ҳис этиш, кутилмаган вазиятда ҳаракатчан бўлиш ва кутилган натижага олиб келувчи оқилона қарорлар қабул қилиш талабларига жавоб берувчи тизимлашган, умумлашган ва яхлит амалий билимга эга бўлиб, бу билимларни мажмуий қўллаш кўникмаларига эга юқори малакали мутахасссларни тайёрлашда, олий таълим тизими, таълим жараёни сифатини мутассил ўстиришни таъминловчи ўқув адабиётларига эҳтиёж сезмоқда.

Ўқув жараёнини услубий таъминлашнинг марказий бўғини сифатида асосий ўқув кўроли - дарслик муаммоларини ҳал қилиш долзарб ва принципиал аҳамиятга эга [1].

Демак давлат таълим стандартлари талаблари бажарилиши - меҳнат бозорида рақобатбардош, малакали, компетентли, масъулиятли, ўз касбини устаси, чегарадош фаолият соҳаларига йўналтирилган, мутахассслик бўйича жаҳон стандартлари даражасида самарали ишлашга қодир, “Бутун умр давомида таълим” формуласига амал қилувчи мутахасссларни тайёрлашда компетенцияга йўналтирилган ўқув адабиётларини яратиш долзарб ва принципиал аҳамиятга эга.

**Методология**

“Машина деталлари” фанидан назарийлашган таълим тизимидан амалийлашган таълим тизимига ўтиш муаммоси ҳал этиш, қуйидаги уч жиҳатни ўрганиш, таҳлил қилиш ва асослашни талаб этади.

1. Дидактик жиҳат. Олий таълим тизимининг “...назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиши” [2]:

–Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимининг Болония жараёнига қўшилишини, миллий таълим тизимининг халқаро стандартларга мослигини таъминлайди;

– илм-фаннинг жадал ривожланиши ва саноатнинг тез ўзгариши, янги таълим технологиялари, шу жумладан фанлараро билимларга асосланган касбий компетенциялар, олий таълим дарсликларини доимий равишда такомиллаштиришни талаб қилади;

– амалийлаштиришда, назариси ва амалиёти уйғунлаштирилган мазмун, зарурий график ва жадваллар, диаграммалар, эмпирик маълумотлар ҳамда сўровнома тавсифидаги материаллар тўлдирилиб, мавзу материали маълум бир техник масаланинг амалий ечимига қаратилиши ўқув адабиётининг яхлитлигини таъминлайди ва замонавий ўқув адабиётини яратишнинг шarti ҳисобланади;

– умумтехник тайёргарлик циклининг якунловчи қисми сифатида “Машина деталлари” фани мазмунининг амалийлаштирилиши барча ёндош ўзаро алоқадор фанлардан олинган билимларни ўз масаласи ечими доирасида яхлитлаш жараёнини такомиллаштириб, мажмуий кўникма ва малакалар ҳамда уларни амалда қўллаш компетенциялари ривожланишига олиб келади.

2. Услубий жиҳат. Назарийлашган таълимдан амалийлашган таълим тизимига ўтиш муаммосини асосан таълим мазмуни нуқтаи назаридан кўриб чиқиш билан бирга фанни ўқитиш услубий тизимининг бошқа таркибий қисмларни– ўқитишнинг мақсадлари, усуллари, шакллари ва воситалари, шунингдек унинг ташқи муҳитини (фанни ўқитишнинг услубий тизими ишлашига таъсир қилувчи омиллар тўплами) ҳам кўриб чиқиш зарур.

“Фанни ўқитишнинг услубий тизими мураккаб динамик таълимдир....Бу ҳолатда унинг ўзгариши, ривожланиши йўллари ва динамикасини аниқлаш учун услубий тизимнинг қандайдир элементларидан бирини белгилаш керак. ...Аmmo ушбу ҳолатни ҳисобга олган ҳолда ҳам, услубий тизимнинг ички ўзаро алоқалари ўқув жараёнининг сифати ва самарадорлигини турли даражаларига олиб келувчи турли ишлаш усулларини танлашга кенг имкон беради. Шунинг учун услубий тизимини қайта ишлаб чиқишнинг зарурий йўналишини аниқловчи қоидаларни (фанни ўқитишнинг услубий тизими концепциясини такомиллаштириш тамойиллари) ишлаб чиқишимиз керак” [3; 8-б.].

Бизнинг фикримизча услубий тизимни такомиллаштириш талаби – амалийлашган таълим тизимига ўтиш тамойили билан белгиланиши керак. Техник таълим натижалари ва ишлаб чиқариш талаблари ўртасида номувофиқлик мавжуд бўлган шароитда “Машина деталлари” фанини ўқитишнинг услубий тизими ўзгаришсиз қолмоқда, натижада назарийлашган таълим муаммоси ўзини “ташқи” томондан намоён қилмоқда.

Буни бартараф этиш учун фанни ўқитишдан кўзланган мақсадни тўғри белгилаш ва мавзуларда унга эришишни таъминловчи мазмунни йўл харитаси сифатида келтириб ўқув адабиётида жойлаш, мазмунни амалийлаштириш шarti сифатида қабул қилиниши зарур. Ўқитиш мақсадига эришининг васитасини танлаш ёки белгилаш ва

уни ўқув адабиётининг охириги модулига жойлаштириш мақсадга мувофиқ, бунинг натижасида фанни ўқитишнинг услубий тизими катта ўзгаришларга юз тутуди ҳамда қарама-қаршилиқлар юзага келишига олиб келади, уларни бартараф этишга, фақат янги тизимнинг эскиси билан, унинг мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари билан алоқаларини аниқлаш орқали эришиб бўлмайди.

Фанни ўқитишнинг услубий тизими мақсадларини ўзгартириш ўқитиш мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари ўзгаришига олиб келади. [3, 3-б.].

Демак “Машина деталлари” фанини ўқитишнинг мақсадлари ўзгариши, компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилиши натижасида фаннинг услубий тизимида назарий таълимдан амалий таълимга ўтишдаги қарама-қаршилиқлар юзага келади, уларни бартараф этиш учун фанни ўқитиш мазмуни, усуллари, воситалари ва шакллари ўзгаришига олиб келади.

Г. И. Саранцев даврларнинг ўзгариши мавсумида услубий тизимнинг устун компоненти таълим мазмуни эканлигини аниқлади бу ҳаракатлар тўплами, мотивацион соҳа, эвристик, фаолият усуллари билан ифодаланади. Турли ҳаракатлар, эвристик, усулларни ўзлаштириш талабанинг мақсади бўлса, ўқитувчининг мақсади талабанинг мақсадга эришиши учун шароит яратишдир. Фанни ўқитишнинг услубий тизими, олий таълим дарслиги ташкил этадиган педагог ва талабанинг мақсадлари, уларнинг фаолиятлари, талабаларнинг индивидуаллиги тизимга айланади [4; 25–34-б.].

“Машина деталлари” фани услубий тизимнинг устун компоненти мазмуни ўзгариши (амалийлаштириш), компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилиши, назарий таълимдан амалий таълимга ўтиш, талабалар мақсади бўлган кўпроқ касбий компетенцияларни чуқур ўзлаштиришлари учун шароит яратади ва замонавий ўқув адабиётини яратишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

3. Психологик жиҳат. Иқтисодиётнинг глобаллашуви ва ортиб бораётгани конструкторлар меҳнат бозоридаги рақобат, конструкторлик касби бўйича мутахассисларни тайёрлаш сифатига ягона талабларни ишлаб чиқишни ва уларнинг халқаро ҳаракатчанлигини таъминлашни талаб этади. Талабанинг конструкторлик тайёргарлиги даражаси, асосан техник таълими сифати билан белгиланади, унинг асосида касбий тайёргарлик ва “Бутун умр давомида таълим” тизимлашади.

Техника йўналишидаги олий таълим муассасаларнинг учинчи курс талабалари умумтехник ва махсус фанларни ўрганишда қийинчиликларга дуч келишади. Бунинг сабаблари кўп, лекин улардан асосийси умумтехник фанлар цикли ичидаги фанларнинг ички ва ташқи назарияси ва амалиёти уйғунлиги таминланмаганлиги ва таълимнинг назарий тавсифга эгаллигидир.

“Бутун умр давомида таълим” формуласи бўйича умрбод таълим олиш тизимига ўтиш, унинг барча босқичларида таълимнинг ўзгарувчанлигини кучайтириш, таълим натижаларини зарурий касбий компетенцияларни ривожлантиришга йўналтириш истиаги, таълимни асосий ғоясига айланиши зарур.

Биз “Машина деталлари” фани мазмунини амалийлаштириш тамойилини амалга оширишни, назарияси ва амалиёти уйғунлашган ва мазмунни амалийлашган замонавий дарсликка ўтиш билан боғлаймиз. Ушбу замонавий дарслик базавий фан сифатида таълим тизимидаги барча умумтехник фанларга тегишли мазмунлар ичидан, ўз масаласи ечими учун зарур бўлган қисмларини саралаб уларни ўзининг рефлексив масаласи ечими таркибида бир бутунга бирлаштиради.

В.П. Беспальконинг фикрича “инсон тажрибаси—бу аслият, китоб эса— унинг ахборотини маълум услубда акс эттирилишидир” [5; 14-б.].

Назария ва амалиётни уйғунлаштириш, мазмунни амалийлаштириш натижасида ўқув адабиётидаги мавжуд методик номувофиқликлар, талабилар дуч келаётган иккиланиш ва чалғишлар каби психологик ноқулайликларни бартараф этиб, лойиҳалашда ягона йўналишни белгилаб беради. Шундай қилиб, амалийлаштириш принципи, замонавий дарслик яратиш муаммосини ҳал этишнинг энг муҳим шартларидан биридир.

**Хулоса:** Юқори малакали мутахассислар тайёрлашда ўқув жараёнини услубий таъминлашнинг марказий бўғини сифатида - дарслик долзарб ва принципиал аҳамиятга эга.

Назарийлашган таълим тизимидан амалийлашган таълим тизимига ўтиш муаммоси ҳал этиш, унинг дидактик, услубий ва психологик жиҳатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва асослашни талаб этади.

Назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтиши, мазмунни амалийлаштириш тамойилини амалга ошириш, назарияси ва амалиёти уйғунлашган ва мазмунни амалийлашган замонавий дарсликка ўтиш билан амалга ошади ва замонавий дарслик яратиш муаммосини ҳал қилишнинг дидактик шarti ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Архангельский, С.И. Учебный процесс в высшей школе, его закономерности, основы и методы / С.И. Архангельский. - М., 1980. - 74 с.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847 сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси”. –Т.: Халқ сўзи газетаси, 2019 йил 9 октябрь, №209(7439) 1-б.
3. Преимственность в обучении математике [Текст]: Пособие для учителей; составитель А.М.Пышкало. – М.: Просвещение, 1978. – 238 с.
4. Саранцев, Г. И. Методологические основы школьного учебника математики [Текст] /Г. И. Саранцев //Педагогика. – 2003. - № 10. – С. 25 - 34.
5. Беспалько, В. П. Теория учебника: Дидактический аспект [Текст] /В. П. Беспалько. – М.: Педагогика, 1988. – 160 с.